

БМТ: Бир йилда Афғонистондаги қуроли тўнашувларда 3800 киши ҳалок бўлган



10:45 / 27.02.2019 1978

БМТнинг Афғонистондаги ваколатхонаси берган маълумотга кўра, 2018 йилда бу мамлакатдаги қуроли тўқнашувларда жами 3804 киши ҳалок бўлган, 7189 нафар фуқаро эса турли кўринишдаги тан жароҳатларини олган.

Хавотирли томони шундаки, бу рақам олдинги 2017 йилга нисбатан 11 фоиз кўп деганидир. Шу билан бирга ҳалок бўлган болалар сони 927 нафарга етган. Болалар ўлими ҳам ўтган йилларга қараганда анча кўпайган. Ташкилот бу рақамларни тилга олар экан, мамлакатда тинчлик ўрнатиш йўлида халқаро ҳамжамият ёрдами билан олиб борилаётган фаолиятлар кутилган натижаларни бермаётганидан хавотирда эканини маълум қилган.

